



“ 14 ” 07 2020 y. № 02-06/1701

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Айниқса, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш мақсадида “Covid-19” тест таҳлиллари олинганлиги тўғрисида маълумотномалар талаб этилаётган шароитда бундай таҳлилларни ўтказувчи тиббиёт муассасалари рекламаси кескин фаоллашди.

Мазкур хизматлар рекламаларида тест олиш нархи, тартиби, тиббиёт муассасасининг ҳақиқатда бундай хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига (имкониятига) эга эканлиги тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилиши кузатилмоқда. Бунда, реклама ахборотидаги маълумотлар амалдаги ҳолатга мос келмаслиги ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шартлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларни инобатга олиб, коронавирус пандемияси даврида реклама берувчи ва тарқатувчилардан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик таъминловига қатъий амал қилишлари, асоссиз, ҳеч қандай исбот ва далилларга эга бўлмаган ахборот тарқатишни ҳамда дори воситалари ва тиббий хизматларга аҳолининг ишончини йўқотишга уринишдан иборат ҳаракатларга йўл қўймасликлари ҳамда **истеъмолчиларни жалғатадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмасликлари** сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов

Ижр: А.Ахмедов. тел:71 247-46-00 (318)